
Абитуриентлар учун бу йилги асосий янгилик ва ўзгаришлар маълум қилинди

2022 йилда абитуриентлар учун тест топширишдаги ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақида Давлат тест маркази маълумот берди.

1□ Олдинги йилги қабулда мутахассислик блокадаги 2 та фанга тенг – 3,1 баллдан берилган эди. Бу йил эса шу 2 та фан муҳимлиликка қараб даражаланади. Масалан, математика йўналиши учун 1-фан математика (ҳар тўғри жавобга 3,1 баллдан) , 2-фан эса физика (ҳар тўғри жавобга 2,1 баллдан) бўлади.

2□ Мутахассислик фанларининг даражаланиши абитуриентларнинг 5 та йўналиш танлаш имконига ҳам таъсир қилади. Энди абитуриентлар ўтган йилгидек мутахассислик блокада мавжуд 2 та фанга қараб эмас, балки уларнинг биринчи ёки иккинчи фанлигини ҳам ҳисобга олиб 5 та ОТМни танлайди.

3□ Барча тест топширувчилар учун мажбурий бўлган 3 та фан – математика, она тили ва Ўзбекистон тарихи бўйича 10 тадан жами 30 та савол тушади ва уларга 1,1 баллдан берилади (2021 йили мажбурий блок учун 2,1 баллдан берилган). Мажбурий блокдан жами тўплаш мумкин бўлган балл – 33 балл. Бакалаврият таълим йўналишига мос бўлган 2 та фан бўйича эса жами 60 та савол берилади. Биринчи фандан тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 93 балл, иккинчи фандан тўплаш мумкин бўлган максимал балл эса 63 балл.

Умумий ҳолда, 2022-2023 ўқув йили қабулида абитуриентларга 5 та фан бўйича жами 90 та тест топшириғи берилади. Бунда тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 189 баллни ташкил этади.

4□ Бу йил кириш имтиҳонларида абитуриентларга тестларни ишлаш учун 3 соат вақт берилади. Вазирлар Маҳкамасининг тест топшириқларини ўтказишга оид 261-сонли низомида 30 та савол учун бир соат вақт берилиши ёзилган. Демак, 90 та саволга 3 соат вақт берилади.

5□ Бу йилдан 6 та ОТМда тест ижодий имтиҳонга ўзгармоқда. Фанлар мажмуасига чет тили биринчи фан сифатида киритилган:□

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;□ Самарқанд давлат чет тиллари институти;□Тошкент давлат шарқшунослик университети.

Шунингдек:

Тошкент давлат педагогика университети, Қўқон давлат педагогика институти, Нукус давлат педагогика институтининг хорижий тиллар бўйича педагогларни тайёрловчи бакалаврият таълим йўналишларида чет тилидан тест эмас, тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ҳамда гапириш компетенцияларини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган касбий (ижодий) имтиҳон олинади.Бунда ушбу ОТМларнинг биринчи фани чет тили бўлган йўналишларида абитуриентлар ижодий имтиҳон

топширади. Инглиз тили бўйича ижодий имтиҳон компьютер вариантда, қолган тиллар бўйича эса қоғоз вариантда олиниши режалаштирилмоқда.

Бу йўналишларга топширадиган абитуриентлар учун энг мураккаб ва таваккалли томони – улар мана шу 6 та ОТМ доирасидагина 5 та йўналиш танлаши мумкин бўлади. Сабаби бошқа ОТМларда чет тили имтиҳони тест кўринишида олинади ва саволлар тури бир-биридан фарқ қилади.

6□ Баъзи йўналишларда имтиҳон олинadиган фанлар ўзгарган. Давлат ОТМларида таълим йўналишлари сони – 461 та, шундан 7 фоизида 2 та фаннинг ўрни ўзгарган. Битта фан ўзгарган таълим йўналишлари эса 2,8 фоизни ташкил қилган бўлса, фақатгина битта йўналиш – биотиббиёт муҳандислиги йўналишида мутахассислик фанлари бутунлай ўзгарган.

Жумладан, филология ва ўзбек тили ва адабиёти йўналишларида ҳам иккинчи фан – тарих ўрнига чет тили киритилди.

7□ Мактаб ёки коллеж, лицейни бир йил аввал тугатган абитуриентларнинг барчаси кириш имтиҳонларида қатнашиш учун пул тўлайди. Бу йилдан бошлаб кириш имтиҳонлари учун тўлов ундирилмайдиган абитуриентлар тоифасига:

□ «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари;□ «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турувчи ёшлар ҳам киритилди.

Бунгача озод қилинганлар рўйхатида ногиронлиги бўлган шахслар ва меҳрибонлик уйлари болалари, болалар шаҳарчасининг битирувчилари бор эди.

2022-06-14 10:12:48